

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1365-ҳадис

1365/3305 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: فُقِدَتْ أُمَّةٌ مِّنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَا يُذْرَى مَا فَعَلْتُ، وَإِنِّي لَا أُرَاهُمْ إِلَّا فَارَ، إِذَا وُضِعَ لَهَا أَلْبَانُ الْإِبْلِ لَمْ تَشْرَبْ، وَإِذَا وُضِعَ لَهَا أَلْبَانُ الشَّاءِ شَرِبَتْ. فَحَدَّثَنِي كَعْبًا، فَقَالَ: أَنْتَ سَمِعْتَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ؟ قُلْتُ: تَعَمْ، قَالَ لِي مِرَارًا، قُلْتُ: أَفَأَفْرَأَتُ التَّوْرَاةَ؟

1365.3305. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бану Исроилдан бир уммат йўқолиб қолган, уларга нима бўлганини билиб бўлмайди. Менимча, ўшалар сичқондан бошқаси эмас - унга тужиган сутини қўйилса, ичмайди, қўйининг сутини қўйилса, ичади», дедилар.**

Каъба буни сўзлаб берган эдим, у: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини ўзинг эшигтганмисан?» деди. «Ҳа», дедим. У менга бир неча марта шундай деди. Охири мен: «Нима, мен Таврот ўқирмидим?!» дедим».

**Изоҳ:** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аввалига сичқонларнинг тужиган сутини ичмай, қўй тужиган ичишини кўриб, Бану Исроилнинг ичидан домдараксиз йўқолиб кетган бир жамоани сичқонга айланиб қолган бўлса керак, деб ўйлаган эканлар. Чунки Бану Исроил ҳам тужиган сутини ҳаром деб ичмас, қўй-молнинг тужиган эса ичар эди. Уламоларимиз бу ҳадисни турлича изоҳлаганлар. Кўпчилик уламолар бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз ижтиҳодлари асосида қилган гумонлари бўлиб, кейин вахий бунинг нотўғрилигини билдирганди, бу фикрларидан қайтганларини таъкидлашади. Бу каби ҳолатлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларида, кам бўлса-да, учраб туради. Бу ҳам бўлса, у зотнинг мўъжизаларидандир. Зоро, у зот ҳам бир инсон. Бирор нарсани таҳмин ёки гумон қилишлари мумкин. Аммо ўша таҳминни илоҳий таълимот тўғрилаб қўйиши чинакам мўъжизадир.

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда келишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида дунёдаги маймун ва тўнғизлар Бану Исроилдан бўлган, кейин маймун ва тўнғизга

айлантирилган осийлардан тарқалған, деган маңнодаги гап айтилганида, у зот бунга раддия беріб: «**Албатта, Аллоҳ масхда насл ҳам, давомчи ҳам қилмаган**», деганлар. Масх - таниб бўлмайдиган қилиб ўзгартириш, инсонни ҳайвонга айлантириш дегани. Яъни Аллоҳ бирор қавмни қандайдир ҳайвонга айлантириб қўйган бўлса ҳам, улардан зурриёт қолдирмаган. Бошқа ривоятларда айтилишича, масх қилинган қавмлар уч кундан ортиқ яшамаган.

(«Умдатул-қорий шарҳу Саҳиҳил-Бухорий». Бадриддин Айний.  
«Фатхул-Борий шарҳу Саҳиҳил-Бухорий». Ибн Ҳажар Асқалоний.  
Дарул-маърифа. Байрут, 1959)

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

